



Drug Addiction - A Threat To Societal Development: Society's Unity In The Fight Against It

**Karimzhanova Munavvar
Ibragimovna**

Acting Professor of the Department of Economic Sciences,
Customs Institute,
Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Associate Professor, Colonel

ABSTRACT

The article analyzes issues related to combating narcotic drugs, which are among the most pressing global problems in today's world. It also examines the causes and consequences of drug addiction and presents scientific proposals and recommendations on measures to prevent and combat it.

Keywords:

drug addiction, narcotic drugs, psychotropic substances, "Afghan", "Northern Route", stable immunity, law enforcement, prevention, international community

ГИЁҲВАНДЛИК – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАҲДИД: УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАМИЯТНИНГ БИРДАМЛИГИ

Karimjonova Munavvar Ibragimovna
Bojxona instituti Iqtisodiy fanlar kafedrası
professori v.b., p.f.d.(DSc), dotsent, polkovnik

Аннотация. Мақолада бугунги кунда дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири бўлган гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш борасидаги масалалар бўйича таҳлиллар ёритиб берилган. Шунингдек, унинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари, унга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, "Афгон", "Шимолий йўл", барқарор иммунитетни, ҳуқуқ-тартибот, профилактика, халқаро ҳамжамият.

НАРКОМАНИЯ - УГРОЗА РАЗВИТИЮ ОБЩЕСТВА: ЕДИНСТВО ОБЩЕСТВА В БОРЬБЕ С НЕЙ

Каримжанова Мунаввар Ибрагимовна
исполняющая обязанности профессора кафедры
экономических дисциплины Таможенного института,
доктор педагогических наук (DSc), доцент, полковник.

Аннотация. В статье представлены анализы вопросов, связанных с противодействием наркотическим средствам — одной из глобальных проблем современного

мира. Также рассмотрены причины и последствия их распространения, а также приведены научные предложения и рекомендации по мерам борьбы с ними.

Ключевые слова: наркотическая зависимость, наркотические средства, психотропные вещества, «Афган», «Северный маршрут», устойчивый иммунитет, правоохранительные органы, профилактика, международное сообщество.

Кириш

Гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар бир жамият аъзосининг бурчидир

Бугунги кунда жаҳонда гиёҳвандлик XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётидаги жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар, бугунги сивилизатсия замонида келиб ўз ўрнини Гиёҳвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Инсон ҳаётда яшар экан, яхшиликка интилиб, ёмонликдан қайтиб яшашга ҳаракат қилади. Лекин “яхшилиқ” ва “ёмонлик” тушунчаларига ҳар ким ҳар хил таъриф беради. Ҳаёт эзгулик билан гўзал. Аммо базан эзгуликка ёвузлик кўланка солади. “Аср вабоси” номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, онгини ўзига бўйсинтирувчи захри қотилдир.

Бу шундай қуролки, ўз домига илинтирган одамни разолат дунёсига етаклайди ва бу жараёнда инсон жамиятдаги ўрнини йўқота бошлаганини англамай қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунда ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, манавий қашоқлик кайфиятидан асрашимиз зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликни назорат қилиш бошқармаси ҳисоботида кўра, дунёда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар сони 10 йил ичида 23 фоиз ортган.

Яъни, 240 миллиондан – 296 миллион нафарга етган¹.

Қайд этилишича, сўнгги уч йил (2021-2023 йиллар) мобайнида мазкур йўналишда 25 мингга яқин жиноят иши қўзғатилиб, 17 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Шундан 5 мингга яқини (30 фоиз)

30 ёшгача бўлган шахсларни ташкил этган. Таҳлилларга кўра наркожиноят содир этган ёшларнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Хусусан, 2021 йилда бундай жиноятлар содир қилганларнинг 23 фоизни ёшлар ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 24,6 фоизга, 2023 йилда эса 31,2 фоизга етган. Интернетда психотроп моддалар савдосига ихтисослашган 52 та ахборот ресурси аниқланган. Уларнинг 14 таси веб-сайтларни, 38 таси эса Telegram мессенжерини ташкил этган. Таъкидланишича, Telegram каналлари орқали 120 мингга яқин фойдаланувчи қамраб олинган².

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунёдаги глобал муаммолар ечими борасида илгари сурган бир неча ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил сентябрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги долзарб таклифларидан бири – глобал муаммога айланган

¹ 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни // <https://yuz.uz/news/26-iyun--halqaro-giyohvandlikka-qarshi-kurash-kuni>.

² Ўзбекистонда наркожиноят содир этган ёшлар сони йилдан йилга ўсиб бораётгани айтилди // <https://daryo.uz/k/2024/06/13/ozbekistonda-narkojinoyat-sodir-etgan-yoshlar-soni-yildan-yilga-osib-borayotgani-aytildi>.

гиёҳвандликка қарши кураш мавзуси билан бевосита боғлиқ³.

Бу ташаббуснинг моҳияти нимада? Гап шундаки, Ўзбекистон Президенти бутун дунё аҳлини гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўзаро бирдамлик ва ҳамкорликда иш олиб боришга чорлади.

Айниқса, бугунги кунда учинчи Ренессанс асосини ташкил этаётган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларига қарши курашишда мурасасизлик, барқарор иммунитетни шакллантириш ҳамда уларни ижтимоий ва ҳуқуқий келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари билан яқиндан таништириш, уларни ақлан ва жисмонан соғлом ва баркамол руҳда тарбиялаш дунё ҳамжамиятининг энг асосий ва долзарб доимий масалаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси асосида тайёрланган резолюция 2024 йил 4 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясида бир овоздан маъқулланди ва қабул қилинди. Мазкур резолюция “Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги” деб номланганлиги бежизга эмас.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзуга оид таҳлиллар

Гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Шу ўринда Гиёҳвандликнинг юзага келиш сабаб ва оқибатлари ҳақида тўхталиб

ўтсак. Унинг юзага келиш сабаблари қуйидаги омиллардан иборат (1-расм).

³ Гиёҳвандликка қарши кураш: миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслар ижобати// <http://nhrc.uz/uz/news/ml3559>.



1.1- Гиёҳвандликнинг юзага келиш сабаблари

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган шахсларнинг ўзлари ҳамда жамият учун келтириб чиқарадиган оқибатлари жумладан:

Жисмоний саломатликка зарар: Мия фаолияти бузилиши, юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқариши, иммунитетни кескин пасайиб кетиши, асаб системаси издан чиқиши, оғир турдаги касалликлар (ВИЧ, гепатит) касалликларини хавфини ортишига сабаб бўлади.

Руҳий таназзул: Гиёҳванд шахсларда депрессия, агрессия, хулқ-атвор ўзгаришлари, хотира пасайиши ва хушсиз ҳолатлар кўп учрайди. Вақт ўтиши билан улар реал ҳаётдан узила бошлайди.

Ижтимоий муаммолар: Оилавий низолар, ишдан чиқиш ёки ўқишдан четлатилиш, жиноятчиликка мойиллик ортади, жамиятдан узоқлашиш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Шу боис, жаҳондаги гегемон давлатлар ўртасида ўзаро юз бераётган глобал танглик ва зиддиятлар, яшаш учун кураш,

иқтисодий муаммолар, ҳуқуқий жиноятлар сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётганлиги, улар инсон омилиси интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида осон тарқатилаётганлиги масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Таъкидлаш жоизки, дунёда гиёҳвандлик воситаларининг тури ва унинг истеъмоли ва талабгорлар ортиб бормоқда. Айниқса, БМТ - Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчиликни Назорат Қилиш Бюроси томонидан олинган маълумотларга кўра гиёҳвандлик воситасининг асосий турларидан - нашъа моддаларидан фойдаланиш 2000–2025 йиллар орасида дунё бўйича динамикаси ортиб бормоқда (1-жадвал).

Гиёҳвандлик воситаларининг турлари бўйича ўзига хос тенденциялар таҳлили⁴

Т/Р	Гиёҳвандлик воситаларнинг турлари	2022 йил	2023 йил	Фарқи (млн киши)
-----	-----------------------------------	----------	----------	------------------

⁴ БМТ - Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчиликни Назорат Қилиш Бюроси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

		Истеъмолчилар сони (млн киши)		
1	Cannabis	228	244	16
2	Opioids	60	61	1
3	Amphetamines ва стимулянтлар	30	31	1
4	Cocaine	23	25	2
5	Ecstasy (ва MDMA туркуми)	20	21	1
	Жами	361	382	21

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2023 йилда Гиёҳвандлик воситаларидан айниқса, “Cannabis” воситаси қарийиб истеъмол қилувчилар сони 16 млн кишига ортган, жами турлари бўйича эса, 21 млн кишига ортганлиги маълум бўлди.

Шу боис, дунёдаги барча инсонлар ушбу вабога қарши курашиш, профилактика ва тарғибот ишларни жонлантиришимиз зарурдир.

Ўзбекистонда ҳам барча ривожланган давлатларда бўлгани каби нарковазият кескинлигича сақланиб қолмоқда, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишининг кенгайиши, хусусан, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг нотиббий равишда суиистеъмолининг ўсиши, “Афғон” офиатларининг “Шимолӣ йўл” деб номланувчи мавжуд транзит каналларининг фаоллашиши ва янгиларининг шаклланиши кузатилмоқда.

Республикадаги нарковазиятга бевосита таъсир кўрсатувчи бир қатор қуйидаги муҳим омиллар мавжуд:

- опий ва каннабис гуруҳига оид афғон наркотик моддалари оқимининг тўхтамаётганлиги ва тўхтовсиз ортиб бораётганлиги;

- синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг контрабандасининг кўпайиб бораётганлиги;

- гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва психоактив моддаларни тарқатиш ва сотишда замонавий ахборот

технологиялари ва Интернет маконидан фойдаланилаётганлиги;

- синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг оммалашиши натижасида нотиббий равишда уларнинг суиистеъмолининг ортиб бораётганлиги;

- таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни етиштириш учун қулай агроиклим шароитларининг мавжудлиги;

- уй шароитида ҳамда қўлбола усулда гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун лабораторияларнинг аниқланаётганлиги, шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида””ги ПФ-158-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон

Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш юзасидан 2024-2025-йилларга мўлжалланган миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 2024-йил

15-ноябрдаги 759/11-сон қарорининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, республикада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан “иммунитет”ни шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни жаҳон

тажрибасидан келиб чиқиб, тиббий-даволаниш тизимини ташкил этиш соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида гиёҳвандлик воситаларига қарши курашишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилучи

органлар томонидан ягона технологиясини яратишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистонда Гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш борасида 2024-2025 йилда амалга оширилаётган чора ва тадбирларни таҳлилин кўриб чиқамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда Гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш борасида 2024-2025 йилда амалга оширилаётган чора ва тадбирлар таҳлили

Т/Р	Белгиланган йўналишлар	Амалга оширилган ишлар
1	Мусодара қилинган гиёҳвандлик/психотроп/кучли таъсир қилувчи моддалар (2024)	2.3 тоннадан ортиқ модда ноқонуний айланмадан олинган.
2	Ноқонуний етиштирилган гиёҳвандлик ўсимликлари йўқ қилинган ер майдони (2024)	15 000 м ² ер майдонидаги ноқонуний экинлар йўқ қилинган.
3	Тошкентдаги мусодара - наркотик ва психотроп моддалар (2024)	Тошкент шаҳрида 238 кгдан ортиқ гиёҳвандлик/психотроп моддалар мусодара қилинди.
4	Ёшлар, талабалар орасидаги ҳолатлар (2024–2025)	Наркокуръерлик ва яширин лабораториялар фаолиятида ёшлар, талабалар қамраб олинмоқда.
5	Ҳуқуқ-тартибот ва профилактика: жамоатчилик, тарғибот, назорат чоралари	2024–2025 йилларда тарғибот-профилактик тадбирлар (мактаб, олийгоҳ, маҳалла, жамоатчилик) - 40 000 га яқин тадбир, 4 миллионга яқин аҳоли қамраб олинган.
6	Қонунчилик ва стратегия — янги босқич	2024–2028 йилларга мўлжалланган “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш” миллий стратегияси тасдиқланди.

Ўзбекистонда Гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш борасидаги ислохотлар заминида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 - 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегияда бир қатор ечими зарур бўлган жумладан:

аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларда «гиёҳвандликка қарши

иммунитет»ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга мурасасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш;

аҳолига сифатли наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янги усуллар асосида ривожлантириш, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чораларни амалга ошириш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда прекурсорларнинг (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасининг янгича, айниқса интернет тармоғидаги усулларига барҳам бериш, бу борадаги тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чоралар комплексини, биринчи навбатда рақамлаштириш орқали ривожлантириш.

давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фармацевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

гиёҳвандликни даволаш ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, бу йўналишдаги илмий изланишлар, хулосалар, ютуқлар ва янгиликларни амалиётга жорий этиш ҳамда оммага етказишни таъминлаш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Бу борада аҳоли, айниқса, ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган таъсирчан чоралар комплексини амалга ошириш йўналишида аҳоли доимий равишда соғлом турмуш тарзига риоя этишлари учун ҳар бир маҳалла ва таълим муассасаларида оммавий ва оилавий спорт тадбирларини ўтказиш шунингдек психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмоли ва уларнинг ноқонуний муомаласининг салбий оқибатлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада ошириш зарурдир.

Гиёҳвандликка қарши курашишда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ролини кучайтиришга қаратилган янги ишлаш механизмларини жорий этишимиз даркор.

Айниқса, ушбу йўналишда барча ҳуқуқни муҳофаза органлар жумладан божхона органлари хизмат фаолиятида чегара божхона пости орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказишда гиёҳванд воситалаирини аниқлаш ва уларни кириб келишини олдини олишга оид самарали механизмларини таҳлилини кучайтириш ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ишларни такомиллаштириш керак.

Хулоса ва таклифлар сифатида

Демак, бизнинг фикримизча юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистонда Гиёҳвандлик воситаларига қарши курашишнинг чоралар сифади таъкидлашимиз мумкинки энг аввало оиладан бошлашимиз зарур ва қуйидаги йўналишлар бўйича ишларни жонлантириш ва самарали механизмларини амалиётга жалб этиш асосида бу вабони йўқ қилиш мақсадига эришиш мумкин бўлади.

Оилавий назорат ва тарбияни такомиллаштириш йўналиши бўйича - болалар билан очик суҳбат, уларни қўллаб-қувватлаш ва тўғри йўлга йўналтириш Гиёҳвандликка қарши энг кучли воситалардан бири ҳисобланади.

Маориф ва тарғибот ишларни жонлантириш йўналиши бўйича - мактаблар, коллежлар ва университетларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларини тушунтирувчи тадбирлар ўтказиш муҳим.

Спорт ва ижодга жалб қилиш йўналиши бўйича - бўш вақтни тўғри ташкил қилиш, спорт тўғараклари, мусиқа ёки санъат билан шуғулланиш ёшлар учун ижобий муҳит яратади.

Даволаш ва реабилитация марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишида - гиёҳвандликка берилиб

қолган фуқаролар махсус тиббий ёрдамга мухтожлиги боис, уларни узоқ, аммо тўғри ёндашув билан самарали даволаш методларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлик йўналишида

- гиёҳвандлик воситаларга қарши курашда кинология хизматидан самарали фойдаланиш, айнан ушбу йўналишда тайёрланган хизмат итларидан хизмат фаолиятида унумли ва мақсадли фойдаланиш, хизмат итларини ўқув-ўргатув жараёнларида хорижий илғор тажрибалардан фойдаланиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Гиёҳвандлик вабоси - бу фақат тиббий муаммо эмас, балки ижтимоий, маънавий ва иқтисодий хавф ҳамдир. Унга қарши кураш ҳар бир инсон, оила ва жамиятнинг умумий вазифасидир. Болаларга соғлом муҳит яратиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот маконида масъулиятлиликини ошириш орқали биз бу офатни камайтиришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида””ги ПФ-158-сон Фармони. 2023 йил 11 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони 2024 йил 06 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш юзасидан 2024-2025-

йилларга мўлжалланган миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 759/11-сон қарори. 2024-йил 15-ноябрь.

4. <https://uza.uz/uz>

5. <https://gov.uz/uz/zomin/news/view/58658>